

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

“КЕЛИШИЛГАН”

Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“ ” 2020 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Тошкент тиббиёт
академияси ректори
Д.Н. Дўйчиев

“ ” 2020 й.

**5510100 – Даволаш иши ва 5111000 – Касб таълими (5510100-Даволаш
иши) таълим йўналиши негизидаги**

- | | |
|--|--|
| 5A510101-Акушерлик ва гинекология | 5A510117-Урология |
| 5A510102-Эндокринология | 5A510118-Морфология (йўналишлар
бўйича) |
| 5A510103-Терапия (йўналишлар бўйича) | 5A510119-Наркология |
| 5A510104-Оториноларингология | 5A510120-Анестезиология ва
рениматология |
| 5A510105-Кардиология | 5A510121-Травматология ва ортопедия |
| 5A510106-Офтальмология | 5A510123-Суд тиббиёт экспертизаси |
| 5A510107-Юқумли касалликлар
(йўналишлар бўйича) | 5A510124-Патологик анатомия |
| 5A510108-Дерматовенерология | 5A510125-Шошилинч тиббий ёрдам |
| 5A510109-Неврология | 5A510126-Фармакология |
| 5A510110-Умумий онкология | 5A510127-Спорт тиббиёти |
| 5A510111-Психиатрия | 5A510128-Диетология |
| 5A510112-Хирургия (йўналишлар бўйича) | 5A510129-Нутрициология |
| 5A510113-Ташхиснинг инструментал ва
функционал усуллари (йўналишлар бўйича) | 5A510130-Аллергология ва клиник
иммунология |
| 5A510114-Нейрохирургия | 5A510131-Гематология ва трансфузиология |
| 5A510115-Соғлиқни сақлашни бошқариш
ва жамоат саломатлигини сақлаш
(йўналишлар бўйича) | 5A510132 -Тиббий радиология |
| 5A510116-Тиббий психология | 5A510133-Нейрореабилитология |

**магистратура мутахассисликларига қирувчилар учун махсус
(ихтисослик) фанларидан**

ДАСТУР

**Тошкент – 2020 й.
Аннотация**

Аннотация

Дастур 5А510101-Акушерлик ва гинекология, 5А510102-Эндокринология, 5А510103-Терапия (йўналишлар бўйича), 5А510104-Оториноларингология, 5А510105-Кардиология, 5А510106-Офтальмология, 5А510107-Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича), 5А510108-Дерматовенерология, 5А510109-Неврология, 5А510110-Умумий онкология, 5А510111-Психиатрия, 5А510112-Хирургия (йўналишлар бўйича), 5А510113-Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича), 5А510114-Нейрохирургия, 5А510115-Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат саломатлигини сақлаш (йўналишлар бўйича), 5А510116-Тиббий психология, 5А510117-Урология, 5А510118-Морфология (йўналишлар бўйича), 5А510119-Наркология, 5А510120-Анестезиология ва рениматология, 5А510121-Травматология ва ортопедия, 5А510123-Суд тиббиёт экспертизаси, 5А510124-Патологик анатомия, 5А510125-Шошилиш тиббий ёрдам, 5А510126-Фармакология, 5А510127-Спорт тиббиёти, 5А510128-Диетология, 5А510129-Нутрициология, 5А510130-Аллергология ва клиник иммунология, 5А510131-Гематология ва трансфузиология, 5А510132-Тиббий радиология, 5А510133-Нейрореабилитология магистратура мутахассислигига қиравчилар учун 5510100 – Даволаш иши таълим йўналиши 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

Тузувчилар:

Даволаш факультети декани, т.ф.д., профессор

Холматова Б.Т.

Тиббий педагогика факультети декани, т.ф.д., профессор

Хамроев А.А.

Дастур ТТА Кенгашининг 2020 йил 19 июндаги 17-сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

КИРИШ

5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналиши - соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида тиббий фаолиятни ташкил этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, аҳоли орасида кенг тарқалган ўткир ва сурункали касалликлар бўйича барча турдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, юқумли касалликларни олдини олиш ва эпидемия, пандемия шароитида зарур бўлган чора – тадбирларни ишла чиқиш ҳамда амалга ошириш, шошилиш ёрдам кўлами бўйича зарур назарий ва амалий билимларга эга бўлиш ҳамда амалиётда қўллаш, тиббиёт соҳасида долзарб бўлган касалликлар ҳамда муоммолар бўйича замонавий маълумот, билимларга эга бўлиш ва фаолияти давомида улар тўғрисидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш ва қўллаш, аҳоли орасида кенг тарқалган касалликлар бўйича замонавий ташхислаш ва даволаш стандартларини мақсадга йўналтирилган ҳолда амалиётда қўллаш, диспансеризация ва реабилитация чоралари талаб қилинадиган ҳолатларда, уларни аҳолига зарур бўлган даражада қўллаш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда унинг учун маъсул бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, соғлиқни сақлаш бирламчи тизимининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқаришда иштрок этиш, тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолияти ва инновацион лойиҳаларни талаб даражасида олиб боришда иштрок этиш каби йўналишларни қамраб олади.

5510100 – Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101-Акушерлик ва гинекология, 5A510102-Эндокринология, 5A510103-Терапия (йўналишлар бўйича), 5A510104-Оториноларингология, 5A510105-Кардиология, 5A510106-Офтальмология, 5A510107-Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича), 5A510108-Дерматовенерология, 5A510109-Неврология, 5A510110-Умумий онкология, 5A510111-Психиатрия, 5A510112-Хирургия (йўналишлар бўйича), 5A510113-Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича), 5A510114-Нейрохирургия, 5A510115-Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат саломатлигини сақлаш (йўналишлар бўйича), 5A510116-Тиббий психология, 5A510117-Урология, 5A510118-Морфология (йўналишлар бўйича), 5A510119-Наркология, 5A510120-Анестезиология ва рениматология, 5A510121-Травматология ва ортопедия, 5A510123-Суд тиббиёт экспертизаси, 5A510124-Патологик анатомия, 5A510125-Шошилиш тиббий ёрдам, 5A510126-Фармакология, 5A510127-Спорт тиббиёти, 5A510128-Диетология, 5A510129-Нутрициология, 5A510130-Аллергология ва клиник иммунология,

5A510131-Гематология ва трансфузиология, 5A510132-Тиббий радиология, 5A510133-Нейрореабилитология магистратура мутахассислигига кирувчилар талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида камраб олинган маълумотлар куйида батафсил келтирилган.

АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ фани бўйича:

Акушерлик ва гинекологиянинг долзарб масалалари, аёл организмнинг ўзига хос хусусиятлари ва кузатиладиган ўзгаришлар, репродуктив саломатлик, ҳомиладорлик ва тугруқ фаолиятини тўғри олиб бориш, экстрогенитал касалликлар, гинекологик касалликларнинг кечиши ва уларни даволаш усуллари, контрацепция, репродуктив саломатлик асослари ва оилани режалаштириш тамойиллари, соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида кенг тарқалган акушерлик ва гинекологик асосий клиник синдромларни билиши ва эрта ташхислаши, даволаш стандартларини қўллай олиши, физиологик ҳомиладорлик билан аёлларни қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника шароитида олиб бориш тамойилларини билиши, патологик ҳомиладорликни ўз вақтида аниқлаш, олиб бориш тактикасини ва кўрсатмага кўра тор мутахассисга юбориши, тугруқ фаолиятини тўғри олиб бориши, гинекологик касалликларни эрта аниқлаш ва тўғри олиб бориши, бепуштлик ва оилани режалаштириш бўйича зарур чора- адбирларни амалга оширишни шакллантириши

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ фани бўйича:

Эндокринологиянинг долзарб масалалари. Гипоталамо-гипофизар тизим касалликлари. Модда алмашинувининг нормал ва патологик ҳолатларда гормонал бошқарилиши. Семизлик. Таснифи, этиологияси, патогенези, клиникаси, даволашнинг замонавий усуллари. Қандли диабет: эпидемиология, этиология, патогенез, таснифи. Қандли диабетни даволаш. Диетотерапия, қанд миқдорини туширувчи препаратлар ва бигуанидлар таъсир механизми, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Комалар: гипогликемик, кетоацидотик (этиология, патогенез, қиёсий ташхис, комадан чиқариш тадбирлари). Қалқонсимон без касалликлари. Буйрак усти бези касалликлари. Полиурия ва полидипсия синдроми билан кечувчи касалликлар. Бўқоқ. Қалқонсимон безининг катталашуви билан кечувчи касалликлар. Семизлик билан кечувчи касалликлар. Артериал гипертензия билан кечувчи касалликлар. Артериал гипотензия билан кечувчи касалликлар. Эс-хушининг бузилиши. Эндокринологияда коматоз ҳолатлар. Ўсишнинг бузилиши

ТЕРАПИЯ (ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА) фани бўйича:

1. Ички касалликлар

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган ички касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш

режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, гериатрия асосларини билиши ва амалда қўллай олиши, меҳнатга лаёқатлилиқ экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий ҳужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш.

2. Реабилитология

Реабилитология асослари, реабилитация усуллари, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, халқ тиббиёти, шифокор назорати, даволовчи жисмоний тарбия ва физиотерапия усуллари, спорт тиббиётининг ўзига хос хусусиятлари, спорт турларига боғлиқ шикастланишлар, патологик ҳолатлар билан беморларни олиб бориш бўйича назарий ва амалий билимларни юқори даражада шакллантириш.

3. Пульмонология

Нафас аъзолари зарарланиши симптоматикаси. Нафас аъзолари касалликлари эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, клиник кўриниши, диагностик мезонлари, замонавий даволаш, профилактикаси. Пневмониялар. Ўпкада аллергик жараёнлар. Ўпканинг сурункали обструктив касалликлари. Ўпка эмфиземаси. Бронхал астма. Плевра касалликлари. Ўпкада диссеминирланган жараёнлар. Нафас аъзолари касалликлари клиник лаборатор ташхислаш усуллари ва замонавий ёндошувлар, умумий амалиёт шифокори фаолиятида клиник лаборатор усулларни тавсия қилиш ва натижаларни таҳлил қилиш; Нафас аъзолари касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари, умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ фани бўйича:

Оториноларингологиянинг долзарб муоммолари, замонавий ташхислаш усуллари ва мақсадга йўналтирилган даволаш чораларини қўллаш, ЛОР касалликларнинг тарқалиши, турли ёшга, жинсга ва ижтимоий-профессional гуруҳларга мансуб шахсларда ЛОР касалликларнинг, ЛОР касалликларининг олдини олиш тамойиллари, касалликларнинг ўзига хос кечиши, ташхислаш ва замонавий даволаш усуллари, ЛОР касалликларнинг ўзига хос кечиши, касалликларни самарали даволаш, реабилитация ва профилактика тадбирларини амалга ошириш. ЛОР аъзолари касалликлари клиник лаборатор ташхислаш усуллари ва замонавий ёндошувлар, умумий амалиёт шифокори фаолиятида клиник лаборатор усулларни тавсия қилиш ва

натижаларни таҳлил қилиш; ЛОР касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари, умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

КАРДИОЛОГИЯ фани бўйича:

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган юрак касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган юрак касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, гериатрия асосларини билиши ва амалда қўллаш олиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий хужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Юрак касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари, умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

ОФТАЛЬМОЛОГИЯ фани бўйича:

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган кўз касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган кўз касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий хужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Кўз касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари, умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР (ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА) фани бўйича:

1. Юқумли касалликлар (умумий)

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган юқумли касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган юқумли

касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилинич ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий ҳужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Юқумли касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари, умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

2. Болалар юқумли касалликлари

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган болалар юқумли касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган болалар юқумли касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилинич ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий ҳужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Болалар юқумли касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари бўйича умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

3. Фтизиатрия

Фтизиатрия асослари ва муоммолари, аҳоли орасида нисбатан кенг тарқалган сил касалликларини олдини олиш, эрта аниқлаш, даволаш тамойиллари, инфекция назорат, сил бўйича эпидемиологик вазият ва силга қарши дори восталарининг қўлланиши, сил касаллигининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, эпидемия ва пандемияга қарши чора – тадбирлар режасини тузиш ва аҳолини ахборот билан таъминлаш, сил касалликларни тарқалиш қонуниятлари, сил касалликлар билан беморларни қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника шароитида олиб бориш тамойилларига риоя қилиш.

ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ фани бўйича:

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган тери-таносил касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган тери-таносил касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши,

диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий ҳужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Тери-таносил касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари бўйича умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

НЕВРОЛОГИЯ фани бўйича:

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган кенг тарқалган асаб касалликларининг ўзига хос кечиши, неврологик беморларда топик, нозологик, қиёсий ва синдромологик ташхис қўйиш, асаб касалликларида замонавий функционал ва нейровизуализацион текшириш усулларини ва даволаш принципларини қўллаш. ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган асаб касалликлари бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий ҳужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Асаб касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари бўйича умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

УМУМИЙ ОНКОЛОГИЯ фани бўйича:

Онкология ривожланиши, ўсма ва ўсма олди касалликларнинг тарқалиши, кечиш хусусиятлари, ўз вақтида аниқлаш тамойиллари, беморларни тўғри олиб бориш, парвариш қилиш ва рухий ёндошувга аҳамият бериш, даволаш усулларини тўғри танлаш бўйича назарий ва амалий билимларни ривожлантириши. ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган онкологик касалликлари бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши. Онкологик касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар

ва даволаш асослари бўйича умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

ПСИХИАТРИЯ фани бўйича:

Рухий статусни баҳолаш тамойиллари, психиатриянинг долзарб муоммолари, психофармакотерапия, психотерапиянинг, психопрофилактика ва психогигиенанинг асосий тамойиллари, психосоматик бузилишлар, рухий касалликларнинг келиб чиқишида генетик омилларнинг ўрни, касалликларнинг тарқалиши ва олдини олиш усуллари, диспансер назорати ва тиббий хужжатларни тўғри юритиш. ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган рухий касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилиқ экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши. Рухий касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари бўйича умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

ХИРУРГИЯ (ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА) фани бўйича:

Умумий жарроҳликнинг асосий масалалари, асептика, антисептика ҳамда трансфузиология асослари, жароҳатлар ва жарроҳлик инфекциялари, жарроҳлик амалиётига беморларни тайёрлаш ва амалиётдан сўнг парвариш қилиш чора-тадбирлари, жарроҳлик касалликлар ривожланишида экзоген ва эндоген омилларининг аҳамияти, жарроҳлик касалликларининг кечиши, замонавий ташхислаш усуллари, жарроҳлик касалликларда самарали ва мақсадга мувофиқ даво чораларини ўтказиш ва асоратларни олдини олиш. Умумий амалиёт шифокори фаолиятида кўп учрайдиган жарроҳлик касалликлари билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш тамойилларини билиши, жарроҳлик амалиётини талаб қилувчи сурункали жарроҳлик касалликларининг белгиларини эрта ва тўғри аниқлаши, бирламчи жарроҳлик ёрдамни кўрсатиш ва асоратланмаган жароҳатлар ва куйган юзаларга ишлов бериш ва боғлам қўйишни билиши, жарроҳлик амалиётини тўғри танлаши ва асоратларни олдини олиши, соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида амалга оширилиши лозим бўлган жарроҳлик амалиёти бўйича кўникмаларни бажара олишга шароит ярата олиши

ТАШХИСНИНГ ИНСТРУМЕНТАЛ ВА ФУНКЦИОНАЛ УСУЛЛАРИ (ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА) фани бўйича:

1. Клиник лаборатор диагностика.

Биологик материалларнинг умумий клиник текшириш усуллари. Пешобни текшириш усуллари. Ошқозон секрециясини текшириш усуллари. Орқа мия суюқлигини текшириш усуллари. Экссудат ва трансудатларни текшириш. Балгамни текшириш. Ахлатни текшириш. Жинсий йўл орқали ўтадиган яллигланишлар диагностикаси. Гематологик текшириш усуллари. Қон олиш ва унга ишлов бериш. Эритроцитларни текшириш. Нормда периферик қонини текшириш. турли патологияларда периферия қонини текшириш. Қон ивиш системасини текшириш усуллари. Томир-тромбоцитар гемостази. Плазма гемостази. Физиологик антикоагулянтлар. Жинсий йўллар билан ўтувчи яллигланиш касалликлар диагностикаси. Қон ва қон хужайраларининг умумий хусусиятлари. Замонавий лабораторияда биологик материалларни умумий клиник текшириш усуллари. Ўткир лейкозлар лаборатор диагностикаси. Сурункали лейкозлар замонавий диагностика усуллари.

2. Микробиология ва вирусология

Бактериологик, вирусологик ва иммунологик лабораторияларнинг тузилиши ва жиҳозланиши. Бактериологик лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроорганизмлар ҳақида тушунча. Бактерияларни ўрганиш усуллари. Суртма тайёрлаш техникаси, оддий бўйиш усули. Шарсимон бактериялар морфологияси. Бактерияларнинг морфологияси ва структураси. Бактерияларни мураккаб усулда бўйиб ўрганиш. Спирохеталар, риккетсиялар, хламидиялар, актиномицетлар, содда жониворлар ва замбуругларни морфологияси ва структурасидаги ўзига хос хусусиятлар. Микроорганизмлар физиологияси: кимёвий таркиби, озикланиши, нафас олиши, кўпайиши. Микроорганизмларни ўстириш ва соф культура ажратиб олиш усуллари. Аэроб бактерияларни соф культурасини ажратиб олиш усуллари. Микроорганизмларда ўзгарувчанлик турлари, амалиётдаги аҳамияти. Имунитет ҳақида тушунча. Имунитет турлари. Организмнинг махсус бўлмаган химояланиш омиллари. Антиген ва антителолар. Серологик реакциялар.

3. Тиббий биохимия

Биологик киме фани олдида турган назарий муаммолар. Биологик киме фани олдида турган амалий муаммолар. Оқсилларнинг тузилишини ўрганишда вужудга келадиган қийинчиликлар. Оқсилларни текширишнинг замонавий усуллари ва муаммолари. Оқсиллар биологик функцияларини ўрганишда ўзига хос қийинчиликлар. Замонавий тиббиётда ферментларнинг роли. Углеводлар алмашинуви билан боғлиқ бўлган касалликлар ва уларни даволашда мавжуд муаммолар. Липидлар. Липидлар алмашинувини бузилишини даволашда ўзига хос қийинчиликлар. Қон плазмасининг асосий липидлари ва уларнинг аҳамияти. Липидлар ҳазмланиши ва сўрилишининг бузилиши билан боғлиқ касалликлар. Қон плазмаси, организм бошқа суюқликлари протеинлари. Аминокислоталар ва уларни ажратиб олишда

ўзига хос қийинчиликлар. Экологик омиллар таъсирида оксил биосинтезида вужудга келадиган муаммолар.

4. Тиббий генетика

Наслий касалликларнинг келиб чиқишида генетик омилларнинг ўрни, касалликларнинг тарқалиши ва олдини олиш усуллари, диспансер назорати ва тиббий ҳужжатларни тўғри юритиш. ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган генетик касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилиқ экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши. Ирсий касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари бўйича умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

НЕЙРОХИРУРГИЯ фани бўйича:

Нейражарроҳликнинг долзарб муоммолари, асаб тизими жарроҳлик касалликларининг кечиши, ташхислаш усуллари ва даволаш чоралари, болалар орасида кенг тарқалган тугма ва орттирилган жарроҳлик касалликларини аниқлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, анестезиология ва реанимациянинг асосий масалалари, ушбу соҳадаги тамойиллар ва қўлланиладиган усуллар бўйича барча билим ва кўникмаларни шакллантириш. Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган асаб тизими жарроҳлик касалликларини эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган асаб тизими жарроҳлик касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилиқ экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий ҳужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Бундай касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари бўйича умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

СОГЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШ ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ (ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА) фани бўйича:

Жамоат соғлигини сақлаш ва соғлиқни сақлашни бошқариш фани, уни тиббиёт илми ва амалиётининг тараққиётида тутган ўрни. Жамият саломатлиги, асосий тушунчалар, жамоат саломатлигини белгиловчи омиллар. Демографик жараёнларнинг тиббий-ижтимоий қирралари. Касалланиш: умумий тушунчалар, касалланишларни ўрганиш усуллари, касалликларнинг халқаро таснифи. Ногиронлик. Жисмоний ривожланишни ўрганиш. Аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш. Профилактика замонавий муаммолари. Юқумли бўлмаган касалликларини муҳим хавфли омиллари. Далилларга асосланган тиббиёт. Аҳоли саломатлигини ўрганиш ва баҳолаш усуллари, тиббиёт статистикаси (биостатистика) асослари. Аҳолига стационар касалхона хизматини ташкил этиш. Соғлиқни сақлаш: асосий тушунчалар, тамойиллар. Даволаш профилактика муассасаларининг турлари. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг номенклатураси. Аҳолига даволаш - профилактика ёрдамини ташкил этиш. Бирламчи тиббий санитария ёрдами. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш. Болаларга даволаш - профилактика ёрдамини ташкил этиш. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази. Ихтисослаштирилган илмий – амалий тиббиёт марказларини ташкил этиш. Соғлиқни сақлаш тизимида нодавлат секторлари. Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини таҳлил этиш ав сифатни назорат қилиш. Санитария - эпидемиология хизматини ташкил этиш. Ижтимоий таъминот, ижтимоий сугурта ва иш қобилиятини аниқлаш бўйича врачлик экспертизаси тамойиллари.

ТИББИЙ ПСИХОЛОГИЯ фани бўйича:

Руҳий статусни баҳолаш тамойиллари, тиббий психологиянинг долзарб муоммолари, психофармакотерапия, психотерапиянинг, психопрофилактика ва психогигиенанинг асосий тамойиллари, психосоматик бузилишлар, наслий касалликларнинг келиб чиқишида генетик омилларнинг ўрни, касалликларнинг тарқалиши ва олдини олиш усуллари, диспансер назорати ва тиббий хужжатларни тўғри юритиш. Мия ва руҳий жараёнлар. Сезги ва идрок. Сезги ва идрок патологияси ва уларни текшириш усуллари. Дикқат ва хотира. Тафаккур ҳақида тушунча. Ҳиссиёт ҳақида тушунча. Онг ҳақида тушунча. Шахс, темперамент ва характер. Шахс типлари. Психоанализ. Психогигиена ва психопрофилактика. Болалик ва ўсмирлик даври психогигиенаси. Оила ва жинсий ҳаёт психогигиенаси ва психопрофилактикаси. Психодиагностика. Клиник тиббиётда психологик тестлар. Психосоматик тиббиётнинг мақсад ва вазифалари. Психосоматик тиббиёт ҳақида тушунча. Невроз ва унинг турлари. Психотерапия. Психофармакотерапия.

УРОЛОГИЯ фани бўйича:

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган урологик касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган урологик касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиши, меҳнатга лаёқатлилиқ экспертизасини ўткази олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилинич ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий хужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Урологик касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари бўйича умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш.

МОРФОЛОГИЯ (ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА) фани бўйича:

1. Одам анатомияси ва гистология, цитология ва эмбриология

